



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 118 (12.679)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ САНОАТИ ИМКОНИАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизда чарм-пойабзал саноати катта истиқболга эга. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 21 апрелда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши туфайли тери ишлаб чиқариш технологиялари такомиллаштирилган, мавжуд хомашё базасининг йил сайин кенгайиб бораётгани соҳани жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётди.

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси раисининг ўринбосари Ш.Шералиевнинг айтишича, бугун соҳада тери хомашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш, пойабзал ва сунъий чарм ишлаб чиқариш бўйича 75 корхона, шунингдек, чармдан атторлик моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсатмоқда. 2014 йилнинг беш ойи давомида улар томонидан қарийб 130 миллиард сўмлик маҳсулот, қиймати 50 миллиард сўмдан зиёд халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантириш масаласига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Тадбир «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Уюшма томонидан давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорида кўзда тутилган лойиҳаларни амалга оширишга доир чоралар кўрилатганини қайд этиш зарур. Айни пайтда терини қайта ишлаш, чармдан кийим тайёрлаш, тормоз колодка ва накладчалари, халқ истеъмоли товарлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар ташкил қилишга доир тўққизта инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётган. «Ангрен» ва «Жиззах» маҳсулоти индустриал зоналарида, Наманган, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади.

Умуман, жорий йилнинг ўтган даврида уюшма янги корхоналар ташкил қилиш ва маҳсулот тур-

ларини кенгайтириш бўйича инвестициялар шаклида икки миллион долларлик маблағни ўзлаштирди. Бугунги кунда соҳада тўрт турдаги янги маҳсулот – қиймати 28 миллиард сўмлик тагчарм, колодка, сопол кошин ва спорт инвентарлари ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилиб, тайёрланмоқда. Чарм-пойабзал саноати корхоналарининг экспорт ҳажми 38,7 миллион долларни ташкил этди.

Тадбирда бундай юқори кўрсаткичларга малакали меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ҳисобидан эришилаётгани таъкидланди. Шу боис уюшма тизимида янги иш ўринлари ташкил қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарилди.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

АНДЖЕЙ СУВЕК: «ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА»



Маълумки, шу йилнинг 5 – 6 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистон озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференция ишида хорижий мамлакатлардан мутахассис ва экспертлар иштирок этди.

Улар орасида польшалик эксперт — «Andrzej Sulek Sp.z.o.o» компанияси президенти Анджей Сувек ҳам бор эди. У ўз юртига қайтганидан сўнг «Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири билан суҳбат чоғида мазкур халқаро анжумандан олган таассуротларини ўртоқлашди.

— Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан салоҳиятга эга, — деди у. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари жадаллик билан ривожланиб бораётгани туфайли биз истиқболда ана шу салоҳиятдан тўласинча фойдаланиш ниятидамыз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ишлаб чиқаришда катта қудратга ҳам эгадир. Ишчи кучи салоҳияти ҳам шу жумлага қирадики, шубҳасиз, ундан унумли фойдаланиш керак. Республика ҳудудидagi қулай иқлим шароити мева-чева етиштиришни янада кўпайтириш ва боғдорчилик ривожини бундан ҳам яхшилаш имконини беради.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференция ишида мамлакатимиз экспертларининг қатнашгани Польша ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, ўзаро савдо алмашувларининг ўсишига ҳамда хўжалик алоқаларининг кенгайишига кўмаклашади, деб ўйлайман.

Шуни ҳам қомил ишонч билан айта оламани, Ўзбекистон ва Польшанинг боғдорчилик соҳасидаги ҳамкорлиги яхши истиқболга эгадир. Икки мамлакат таълим муассасалари ва идоралари ўртасидаги тажриба алмашувлар, боғдорчилик соҳаси мутахассисларининг бир-бирлари билан яқин алоқалари ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизга ижобий туртки беришига ишонаман.

Кези келганда шуни қайд этишни истардимки, бизнинг халқимиз ҳам боғдорчилик ва сабзавотчиликда улкан тажриба орттирган. Шу асосда Польша боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришда катта қадамларни ташлаган. Ҳозир биз дунёдаги олма етиштирадиган етакчи мамлакатлар тўртлиги сафида турамыз. Бугунги кунда ушбу соҳа янада ривож топмоқда. Биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ўз тажрибаларимизни баҳам кўришга тайёرمىз.

Мен Ўзбекистонда бир неча мартаба бўлганман. Ўзгал мамлакатингиз бой маданият ва тарихга эга. Ўзбеклар заминда халқ саниматидан ва меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлди.

Бунинг учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

«Жаҳон» АА.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фонднинг навбатдаги грант танловларини эълон қилиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

та бўлган меҳрини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини таъминлашга оид грант танлов 14 та муҳим йўналишдан иборат бўлиб, унга тақсимланган маблағ ўтган йили шу мавзудаги танловга ажратилган маблағга нисбатан қарийб 17 фоизга ошган.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, аҳоли фаровонлигини оқсатиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда ва аҳолининг эҳтиёжманд қисмига кўмак кўрсатишда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат тузилмаларининг ўзаро ижтимоий шериклигини кучайтиришга оид танлов 16 муҳим йўналишдан иборат бўлди.

Мазкур танловларни намунали ташкил этиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари танловда фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида «ННТ ва фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлашнинг 2014 йилдаги устувор йўналишлари» мавзусида туркум семинарларни ўтказиш кўзда тутилган.

Йиғилишда ўтган йиллар мобайнида қўллаб-қувватланган лойиҳаларни амалга ошириш натижалари атрофлича муҳокама этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида фтизиатрия ва пульмонологиянинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилди.

• Андижон вилояти Улуғнор туманида «Болаларга меҳр улашамиз!» шиори остида хайрия тадбири бўлиб ўтди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида туман ҳокимлиги, «Қамолот» ЁИХ туман кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мутасадди идоралар вакиллари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Сирдарёда «Ўз касбининг мохир эгалари» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан ёшларнинг ўз касбига бўлган фидойилиги ва ижодкорлик қобилиятини рағбатлантириш, «Устоз-шогирд» анъаналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда ўндан ортик касб эгалари ўзаро баҳслашди.

• Бухорода «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси вилоят бирлашмаси, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёш тадбиркорлар, фермер ва хунармандлар иштирок этди.

• Самарқанд шаҳридаги Чорсу тасвирий санъат галереясида тадбиркор аёллар ҳамда уйда қўл меҳнати билан шуғулланувчи хотин-қизларнинг миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси ўтказилди. Унда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган қўл гул хотин-қизлар ўзаро тажриба алмашиб, ҳамкорлик доирасини янада кенгайтириш имконига эга бўлдилар.

ЖАҲОНДА

• Япониянинг «Toyota» автоконцерни дунё бўйича сотилган 2 миллиондан ортик машинасини хавфсизлик ёстиқчасида камчилик аниқлангани боис таъмирлаш учун қайтариб олишни бошлади. Бундай камчилик 2000 — 2004 йиллар ишлаб чиқарилган йигирмата моделда мавжуддир. Бунда энг кўп — 850 минг дона автомобиль Шимолий Америкадан, 680 мингта машина Япониянинг ўзидан ва Европадан 525 минг дона транспорт воситаси қайтарилди.

• Грузияда кучли ёмғир куйиши натижасида юз берган лой кўчиши мамлакатнинг шарқий ва ғарбий қисмларини ўзаро боғловчи йўлда ҳаракатнинг бутунлай тўхташига сабаб бўлди. Грузия минтақавий ривожланиш ва инфратузилма вазирининг маълумотида кўра, ушбу йўлни 2 минг куб метрдан кам бўлмаган лой ва тошлар қоплаган.

• Жазоир давлати Соғлиқни сақлаш вазирлиги MERS коронавирусидан мамлакатда дастлабки қурбон қузатилганлиги ҳақида маълумот берди. Ушбу 59 ёшлик киши бундан бир ой муқаддам Саудия Арабистонида борган эди. Сўнгги маълумотларга қараганда, Саудия Арабистонида MERS коронавируси билан хасталанган 113 киши расман қайд этилган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент Олий ҳарбий-техник

билим юртида курсантларнинг тантанали битирув маросими бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Жур-

налистлар ихтисослашуви — давр талаби» мавзусида давра суҳбати ташкил этилади.

✓ **ЭРТАГА** пойтахтимиздаги «Баркамол авлод» болалар

марказида «Йилнинг энг яхши тўғарак раҳбари» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилади.



АКТ СОҲАСИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларини ахборотлаштириш жараёнида ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, улар билан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида самарали ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юқори технологиялар соҳасидаги етакчи давлатлардан бири бўлган Корея Республикаси ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришда мамлакатимизнинг ишончли ҳамкорига айланди.

Мамлакатларимиз ўртасида юқори технологиялар соҳасидаги қўшма лойиҳалар истиқболлари Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган идоралари томонидан имзоланган ўзаро аниқлашув меморандумларида белгиланган. Ушбу ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Корея Республикаси Фан, ахборот-коммуникация технологиялари ва келажакни режалаштириш вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг март-апрель ойларида мамлакатимиз мутахассислари мазкур келишувлар доирасида Корея Республикасида ахборот хавфсизлиги бўйича ўз малакасини оширди.

Малака ошириш жараёни самарали бўлди, дейди Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказининг халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Ёлўлат Давронов. Мазкурларда қатнашадиган ташқарӣ ушбу мамлакатнинг қатор идоралари фаолияти билан танишиб, уларнинг иш тахрибасини ўрганиб, ўзаро фикр алмашиш. Бу ерда олган билимимиз марказни янада ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Жанубий Кореялик мутахассислар «Электрон ҳукумат» жорий этиш масаласида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига техник жиҳатдан қўмаклашмоқда. 2012 йилнинг октябрида ахборотлаштириш соҳасида Ўзбекистон — Жанубий Корея кенгаши ўз фаолиятини бошлади.

Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчилари учун электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш бўйича ҳамкорликда ўқув курслари ташкил этилди. Бунинг самарасида 2013 йилнинг декабрь ойида мазкур университетнинг беш нафар ўқитувчиси Жанубий Кореядаги Ахборот жамияти миллий агентлигида малака ошириб қайтди.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази Ахборот жамияти миллий агентлиги ҳамда Корея давлат бошқаруви институти билан ҳамкорлигини йўлга қўйган.

Айни пайтда «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш марказига маъмурий қодларни стандартлаш соҳасида маслаҳат фаолиятини амалга ошириш учун Жанубий Корея ахборот жамиятини ривожлантириш институтидан эксперт-маслаҳатчини жалб қилиш масаласи ўрганилмоқда.

Дастурий махсулотлар яратиш ва ишлаб чиқиш соҳасида ҳам ҳамкорлик изчил ривожланаётир. 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикаси Ахборот технологиялари ривожлантириш миллий агентлиги билан дастурий махсулотлар яратиш ва

ишлаб чиқиш бўйича қўшма корхона ташкил этишга доир ўзаро аниқлашув меморандуми имзоланди. Айни пайтда Жанубий Кореянинг «LG CNS» компанияси ишчи гуруҳи билан биргаликда ҳамкорлик шакллари ишлаб чиқишмоқда, қўшма корхона ташкил этиш ва унинг истиқболдаги фаолияти таҳлил этилмоқда.

Юқори технологиялар соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан биридир. Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ўзбекистон — Жанубий Корея ахборот технологиялари маркази ушбу йўналишда фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, олий ўқув юртлири ўртасида ҳам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Бугунги кунда Тошкент ахборот технологиялари университети Кореянинг Илм-фан ва технологиялар етакчи институти, Инха университети, Сеул Илм-фан ва технологиялар миллий университети каби ўнлаб олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик қилмоқда. Кореялик мутахассислар қўмағида Тошкент ахборот технологиялари университети ташкилий тўзилмаси, ўқув дастури ва мутахассислик йўналишлари тўлиқ қайта қўриб чиқилди.

2013 йилнинг декабрь ойида Тошкент ахборот технологиялари университети ва Кореянинг уч университети (Сеул Илм-фан ва технологиялар миллий университети, Ёнган университети, Кён-Хи университети) ўртасида таълим ва академик алмашиш, жумладан, ўқитувчилар малакасини ошириш, магистрант ва докторантлар, ўқув материаллари ва илмий нашрлар билан алмашиш, ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказиш, конференция ва семинарлар, шунингдек, бошқа тадбирлар ташкил этишни назарда тутадиган ўзаро аниқлашув меморандумлари имзоланган эди.

Президентимизнинг 2014 йил 24 мартда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Инха университети ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига асосан Тошкент шаҳрида Инха университети филиалининг ташкил этилиши мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг мантиқий давоми бўлди. Жорий йилнинг 1 октябидан ушбу янги олий ўқув юртида компьютер инженеринги, дастурий инженеринг ва компьютер тармоқлари инженеринги йўналишлари бўйича таълим берилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг ахборот-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлиги бўйича эришилган натижалар эътиборга лойиқдир. Икки мамлакатнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мавжуд улкан салоҳияти юқори технологиялар соҳасида ўзаро ҳамкорлигини сезиларли равишда кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

Пойтахтимизда «Соғлом оилани шакллантириш асослари, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг баъзи бир масалалари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

ОИЛАЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ҳокимлик ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курслари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбир «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси вакиллари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви, Тошкент шаҳар прокуратураси, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ходимлари қатнашди.

Семинар-тренингни ўтказишдан асосий мақсад фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари билан бевосита «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлашда соғлом оилани шакллантириш асосларини кенг оммага тарғиб қилиш, оила-никоҳ муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, тартиб-тамоийларни, мазмун-моҳиятини очиб бериш, никоҳни муҳофаза қилишда ФХДБ бўлимларининг роли ва вазифаларининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги, суд тартибиди никоҳни бекор қилишнинг баъзи бир масалалари юзасидан ҳамда фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясининг билани мустаҳкамлашдаги роли ва аҳамияти қанчалик долзарблигини ҳис этиб, бунданда фаол ҳаракат қилишдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курслари Президентимизнинг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш тўғрисида»ги Қарорига асосан ташкил этилган. Мазкур курсларнинг асосий вазифаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари, шу жумладан, ёшларни маърифатли ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини, табиатни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш, жамият-

да тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳаларидаги вазифаларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини назарий-амалий жиҳатдан ошириш, фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик механизмлари шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятини такомиллаштиришга қўмаклашишдан иборатдир. Ўқув курслари фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ шаҳримиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбар ходимларини босқичма-босқич ўқитиш ҳамда касбий ва бошқарув кўникмаларини шакллантириш борасидаги ишларни самарали амалга ошириб келмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбир катта аҳамиятга эга, — дейди Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси «Наврўз» никоҳ уйининг мудири Барно Рўзиева. — Ўтказилган анжуманнинг асосий мақсади оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Қатнашаётган маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари аъзолари ва бошқа мутасадди ташкилотлардан мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларига жавоблар беришди. Барча ташкилот вакиллари биргаликда, ҳамжиҳатликда иш олиб борса, ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишлари қўлайтирилса, қўйларда Оила кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида батафсил тушунарлар берилса, албатта маҳаллаларимиз, оилаларимиз тинч бўлади. Оилаларимиз мустаҳкам бўлиши йўлидаги мақсадимизга эришамиз. Асосийси, оилаларда тарбияланаётган фарзандларимиз қобил, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишад. Оила иккита асосий вазифани бажаради — фозил, қомил фарзандларни дунёга келтириш ва уларга муносиб тарбия бериш.

Тадбир давомида келишмовчилик, тушунмовчилик борасидаги ажримларнинг олдини олиш борасида самарали ишларни йўлга қўйиш ва уни бар-тароф этиш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш, вояга етган қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳаётга тайёрлаш, тиббий қўриқдан ўттишларини таъминлаш, эрта турмушга беришнинг олдини олиш, оила муқаддас даргоҳ эканлигини ҳис қилишлари ҳақида уларга тўғри йўл кўрсатиш лозимлиги таъкидланди.

Зиёда РАСУЛОВА

Сергели тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА 2014 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарининг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низомини («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор паркларини, устакхоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник қўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор паркларини, устакхоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан кейинги матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник қўриқдан ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Сергели туманида 2014 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор паркларини, устакхоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник қўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия расми) М.Каримқулловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан кейинги матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги бўлиб ўтиришомани техник қўриқ ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина, асбоб-ускуналарни йиллик техник қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибининг юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник қўриқдан ўтказиш майдон-чаларига ййиш;

техник қўриқдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник қўриқдан ўтмаган ёки техник қўриққа тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник қўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта қўриқдан ўтказиш учун мулкдордан ййғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник қўриқдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техниканинг ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник қўриқдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришомани олгандан сўнг техник қўриқ ўтказилишдан камида беш кун олдин техник қўриқдан ўтказилишдан техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин; техник қўриқдан ўтказиш учун белгиланган ййғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Хайтов) ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қўриқда қиради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Нигматов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими
Ф.Максудходжаев

2014 йил 10 июнь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг roytax.uz сайти орқали танишиш мумкин.

АРХИВ ИШИ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг нодавлат қисмини ривожлантиришга билишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Узархив» агентлиги томонидан ташкил этилди.

Миллий архив фонди давлат ва нодавлат қисмлардан таркиб топан бўлиб, унга киритилган ҳужжатлар мамлакатимиз маданий меросининг ажралмас бўлаги саналади ва уларни сақлаш муддати чекланмаган. Нодавлат қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар, шунингдек, жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатлари фондининг нодавлат қисмини ташкил этади. Тадбир иштирокчилари уни янада бойитиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида атрафлича маълумот олди.

«Узархив» агентлиги бош директори А.Абдуллаев 2010 йил 15 июнда қабул қилинган «Архив иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун мамлакатимиз архив муассасалари фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш имконини бераётганини таъкидлади.

Айни пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган етти-та архивда нодавлат ташкилотлари, муассасалари ва қорхоналарнинг ҳужжатлари сақланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрда қабул қилинган «Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори архивлар фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ушбу қарорга мувофиқ, жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳужжатларини сақлаш учун қутубхоналар, музей ва давлат архивларига топширишни мумкин.

«Узархив» агентлиги маълумотларига кўра, Миллий архив фондининг нодавлат қисмини такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Архивлар қўматли маълумотларни ўз ичига олган янги фонд ва ҳужжатлар билан тўлдирилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

— Газ ҳисоблагични текшириш жараёни қандай амалга оширилади?

— «Метрология тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига кўра, газ, совуқ ва иссиқ сув ҳисобини юритиш асбобларига давлат метрология назорати татбиқ қилинади ҳамда улар белгиланган текширишларро интервалларга мувофиқ мажбурий текширувдан ўтказилиши зарур.

Мажбурий давлат текширувдан ўтказиладиган ўлчов воситаларининг номенклатура рўйхатига мувофиқ, текширишлар оралиғи қуйидагича белгиланган: аҳоли учун газ ҳисоблагичлари бўйича — 4 йилда 1 марта; қорхоналар ва ташкилотлар газ ҳисоблагичлари учун — 2 йилда 1 марта.

Асбобларнинг штурци иختисослаштирилган ташкилотлар ходимлари томонидан пломбаланиши туфайли давлат текширувдан ўтказиш учун ҳисоблагичларни ечишни газ таъминотчиси билан белгиланган тартибда қилиш керак. Бунинг учун газ ҳисоблагичи эгаси газ таъминоти ташкилотига давлат текширувдан ўтказиш учун ҳисоблагични ечишга рухсат сўраб, ариза ёзиши керак. Газ таъминоти ташкилоти (тумангаз) вакили ҳисоблагичнинг ечилгани ҳақида далолатнома тузади ва унда ечиш пайтидаги ҳисоблагич кўрсаткичи;

Коммунал хизмат

ҲИСОБЛАГИЧЛАР ТЕКШИРУВДАН ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗИЛАДИ

ҳисоблагичнинг заводда қўйилган рақами; таъминотчи (тумангаз)нинг узилган пломбаси рақами ва ҳисоблагичнинг ечилиши сабаби кўрсатилади. Сўнгра ҳисоблагич эгаси уни текшириш учун «Ўзстандарт» ташкилотининг ҳудудий бўлимига олиб боради.

— Бу жараёнга қанча вақт сарфланади?

— Ҳисоблагични текширишга уч иш кундан кўп вақт кетмайди. Текширув натижаси ижобий бўлганда тегишли сертификат ёзилади; салбий бўлса — эгаси ўлчов воситасининг фойдаланишга яроқсиз эканлигини хабардор қилинади.

Текширув ишлари ўтказилганидан сўнг текшириш тўғрисидаги сертификат нусхаси тумангазга топширилади, тумангаз ходимлари уни ўрнатиб, ҳисоблагични

пломбалайди ва бу ҳақида тегишли далолатнома тузилади. Газ ҳисоблагичнинг нозоллиги ёки ўрнатилган тартибда давлат текширувдан ўтказилмаган ҳолларда газ ҳақи белгиланган норматив бўйича тўланади.

— Нима учун ҳисоблагичларни текширувдан ўз вақтида ўтказиш керак?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги қарорининг 10-бандига мувофиқ, текширув мuddати ўтиб кетган асбоблар носоҳ ҳисобланади ва улардан фойдаланиш тақиқланади. Бу масалада тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун ҳисоблагичларни ўз вақтида текширувдан ўтказиш мақсада мувофиқдир.

Даврон НУРМАТОВ суҳбатлашди

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Танлов Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бош-кармаси даволаш-профилактика муассасалари ҳамширалари ўртасида «Соғлом бола йили» муносабати билан Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамда «Камолот» ЎИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Мазкур кўрик-танлов икки босқичда ўтказилди, — дейди Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари Азизбек Низамов. — Туман босқичларида 155 нафар ҳамшира иштирок этиб, солибиллиги кўлга киритганлар шаҳар босқичида қатнашди. 11 та тумандаги тиббиёт бирлашмаларида фаолият олиб бораётган кизларимиз шаҳар босқичида бор маҳоратларини намойён этишди. Мазкур кўрик-танловни ўтказишдан мақсад — жисмонан соғлом ва маънан етук, ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етмаган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, кизларнинг эрта турмушга чиқиш ҳолатларининг олдини олиш, демократик жамият қуришда аёлларнинг роли ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш, уларни таълим жараёнига тўлиқ қамраб олиш ҳамда соғлом турмуш тарзининг тарғиботида қаратилган ишлар самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Иккинчи мартабда ўтказилаётган мазкур кўрик-танловнинг олдинсидан фарқли жиҳати 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан кизларнинг оилага бўлган муносабатларини ошириш мақсадида бола парвариши шартини кiritди.

«Таништирув» шартида кизлар ўзлари фаолият олиб бораётган масканни таърифлаб беришди. «Пазандалик» шартида ҳар бир иштирокчи витаминга бой бўлган

Тошкент Давлат
иқтисодиёт
университетида
«Ораста қиз»
кўрик-
танловининг
шаҳар босқичи
ўтказилди.



СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

салат тайёрлади. «Соч ўриш» шартида зукко кизларимиз қадимий анъаналаримиздан ҳисобланмиш соч ўриш борасида маҳоратларини кўрсатишди. Сўнгги шартда иштирокчилар миллийликка эътибор берган ҳолда рақс, кўшиқ, мусиқий кўринишни ҳакамлар ҳайъати ҳукмига ҳавола этишди. Кўрик-танловда ҳамширалар нафақат касбий жиҳатдан маҳоратларини кўрсатишди, балки ижодий томонларини ҳам намойён этишди.

— 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб номлангани биз тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юқлайди, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги марказий кўп тармоқли поликлиника мактаб ҳамшираси, танлов иштирокчиси Дилноза Тиллабоева. — Барчага маълумки, соғлом онадан соғлом бола дунёга келади. Болаларни соғлом, баркамол вояга етказиш онга боғлиқ. Танловда иштирок этиб, соғлом оилани шакллантириш борасидаги маълумотларга эга бўлдим. Пазандалик ва кўшиқ айтишга қизиқман. Бир йиллик фаолиятим давомида бош шифокор Гулнора опа, бош ҳамшира Камола опа, бўлим бошлиғимиз Гули опадан тиббий билимларимни янада бойитдим, билмаганларимни ўргандим. Уларга миннатдорчилик билдирмаман.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур кўрик-танловда иштирок этган кизлар, ўзларининг оилага тайёргарлиги, зукколиги ҳамда бўш вақтларини қай тарзда ўтказишларини намойён этишди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши жамиятимизнинг асоси бўлган оилани янада мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, унинг манфаатларини ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаб, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Барчага маълумки «Соғлом она — соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда жамиятимиз томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, оилада соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш муҳим.

Кўрик-танлов натижаларига кўра биринчи ўрин Яккасарой туманидаги кўп тармоқли поликлиника ҳамшираси Шаҳзода Жўраевага насиб этди. Голлиларга эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Зарина РУСТАМОВА

Мусиқий таълим тизимида сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар, жорий этилаётган янгиликлар, хусусан, ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарорлар, амалга оширилаётган хайрли ишлар натижасида ушбу тизим янги босқичга кўтарилди. Айниқса, мусиқий таълимнинг юқори босқичи бўлмиш консерватория каби олий таълим муассасасида халқаро алоқалар, ижодий учрашувлар, эркин мулоқотлар муайян кўринишда амалга ошириб келинмоқда.

МИЛЛИЙ МУСИҚАМИЗ ЖИЛВАСИ МАФТУН ЭТАДИ

Худди шундай лойиҳалардан бирига Ўзбекистон Давлат консерваториясининг «Халқ чолғуларида ижрочилик» кафедрасининг 2-босқич магистратурасида таълим олаётган Хитой Халқ Республикасида келган Жи Пенги мисол қилиб келтириш мумкин.

Жи Пенг Хитойнинг Вуланхат шаҳрида таваллуд топган бўлиб, ўрта мактабни битиргач мусиқий коллежда уйғур такомил рубоби бўйича таҳсил олади. Сўнгра Хитой марказий миллатлар университетида кам сонли чолғулар факультетида бакалавр босқичини тамомлаган.



Сўнг унда ўзбек рубобига бўлган қизиқиш кучайиб, Ўзбекистонга келиб, ўқиш истаги пайдо бўлди. Яхши нияти унга қанот бағишлаб, Тошкентга келиб, консерваториянинг магистратура босқичига қабул қилинди. Бу ерда у доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Одилож Назаров синфига рубоб чолғуси бўйича шуғуллана бошлади. Жи Пенгнинг ўзига хос иқтидори, ҳаракати, қатъиятлиги, меҳнат-севарлиги, ҳолати ва узақ халқига бўлган қўлаверса, мусиқасига бўлган қизиқиши тўғрисида у бу чолғунинг тезда ўзлаштириб олди. У дастлабки ўқиш даврида такомил рубобида уйғур муассасини чалиб ўрганган бўлса, Ватанимизга келиб нафақат уйғур мусиқаси, балки ўзбек мусиқаси намуналари ҳамда жаҳон бастакорлари ижодиёти намуналарини ўзлаштириш бошлади. Яқиндагина Ўзбекистон Давлат консерваториясида Жи Пенгнинг яққал концерт бўлиб ўтди. Унда Жи Пенг ўзбек халқ мусиқаларидан, ўзбек халқ бастакорлари ижодиига мансуб «Раққосасидан», «Оромжон», «Интизор этма», «Ўзбекча вальс» каби бир қатор куйларни ижро этиб, тингловчиларнинг олқишларига сазовор бўлди. Унинг ижросида бу куйлар ўзига хос жаранга-лан бўлса, бизнинг миллий мусиқамизга хос бўлган қочиримларни ўзлаштирилганлиги, мусиқий белги-

ларни ўз ўрнида ишлатишга тингловчиларни лол қолдирди. Жи Пенг бундан ташқари «Бразилча рақс», рус халқ кўшиқларидан «Коробейники», Озарбойжон композитори К.Кулиевнинг «Концертано»-си, шунингдек, Хитой композиторлари асарларини рубобчилар ансамбли жўрлигида яққалон чолғуда ижро этиб, мутахассис ва тингловчиларнинг эътирофига сазовор бўлди.

— Мен Ўзбекистонга келиб, шундай дўстлар орттирганимдан, айниқса, ўзбек халқининг севимли чолғуларидан рубобни ўзлаштирганимдан, устозим Одилож Назаров раҳбарлигида мусиқаларини ўрганиб чалаётганимдан бахтиёрман, — дейди Жи Пенг.

Унинг бундай натижаларга эришишида албатта устознинг меҳнатлари алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби ўзга бир миллат вакили бўлган, бизнинг мусиқамиздан анчагина йироқ бир инсонга шу мусиқа хусусиятларини сингдириб, унга миллий қочиримларини юқиникмаларини кунт билан ўргатиш устоздан катта маҳорат ва меҳнат талаб қилади. Устоз раҳбарлигида кенг кўламдаги ижодий ишларнинг амалга оширилганлиги, бир-галликда, жўрнавотликда ижро этилган асарларнинг мукамаллиги, ўзига хослиги фикрларимизнинг далилидир. Ўзбек мусиқа меросини чет элдан келиб ўрганаётган бундай ёшларнинг ижодига албатта бефарқ бўлмаймиз ва қўлаверса, бизнинг мусиқамизнинг жозибаси, гўзаллиги, ўзига хослиги бошқа санъаткорларни ҳам жалб этаётганлиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шундай хайрли йўналишда фаолият олиб бораётган профессор-устозларимизга, ўқитувчиларга келгуси ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Отабек МИСКИНОВ,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси
«Халқ чолғуларида ижрочилик» кафедраси
3-босқич талабаси

Тадбирлар

ҚАДРИЯТЛАР ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Соғлом бола, аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Соғлом маънавий муҳитда вояга етган фарзанд ҳам жисмонан соғлом, ҳам маънан етук бўлиб улғаяди.

Фарзандларимизнинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишида маҳалланинг, ва унда яшайдиган кўп йиллик ҳаёт таърибасига эга отахон-онахонларимизнинг борлиги бебаҳо бойлигимиздир. Фарзандларимизнинг камолотга етишида оиладаги соғлом маънавий муҳит, оилавий муносабатлар, урф-одат, анъаналар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Фарзандларимиз ота-онанинг, қўшинининг яхши хулқларидан андоза олиб вояга етади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод туман бўлими билан ҳамкорликда «От-чопар-1» маҳалласида «Оилаларни мустаҳкамлашда миллий урф-одатлар ва оилавий анъаналарнинг ўрни» мавзусидаги тадбир ҳам айнан шу масалалар хусусида сўз борди.

Унда «Оқтепа», «Юнусобод», Увайсий, «Чоштепа», «Юнусота», «Ахилбод», «Тинчлик» маҳаллалари фаоллари, тумандаги 58 та маҳалла маслаҳатчилари иштирок этди.

Тадбирда шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди қошидаги «Қадрият давраси» раиси, шоира Ақида Азизова, Ўзбекистон халқ хофиз Абдунаби Иброҳимов, кинопродюсер Келдиёр Ҳужаёров, Ўзбекистон халқ артистлари — Ҳуррият Исроилова, Равшан

Жўраев, 19-сонли аҳоли дам олиш маскани ва маданият уйи ходимлари қатнашиб, маънавий фарзандларга асосан оила муҳитида сингдирилиши, фарзанд камолотида адабиёт, санъат, китобнинг ўрни, болага ёлғизидан китобга ҳавас уйғотиш уларда ижодий хислатларини юксалтириш, ҳушмуомаликка, теҳмакорликка ўргатиш оиланинг янада мустаҳкам, аҳил, бўлишига олиб келиши ҳақида фикр-мулоҳаза юритишди.

Интерфаол усул — очик мулоқот тарзида ўтказилган маърифий тадбирдан асосий мақсад маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшлар онгига миллий қадриятларни сингдириш, оиланинг муқаддаслигини тарғиб этиш орқали оилавий низоларнинг олдини олишга қаратилди.

Тадбир сўнггида таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган дираббо куй ва кўшиқлар йиғилганлар кўнглини хушнуд этди.

Гулчехра КАРИМОВА,
Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши қошидаги «Фахрийлар ва ёшлар билан ишлаш гуруҳи» аъзоси.

Келинг она, жоним онам, бағрингизга босинг мени. Сочларимни силаб майин, кўз ёшларим артинг мени. Келинг она, онажоним, қадрингиз шунчалар ўтди, бу дунёнинг ташвишлари, юрагимга олов ёқди.

Туйғулар

СИЗНИ КЎРИБ, ДИЛДАН СУҲБАТ ҚЎРГИМ КЕЛДИ

соғинч номли олов менда, жилмаяман, куламан, асли ҳамма армон менда.

Боримдаги боримсиз, осмондаги ойимсиз, чин дунёга рихлат қилган, фаришта беозоримсиз. Ёзавердим кўнглим эзиб, соғинчлардан кетдим беизб, руҳингиз ҳам бунини сезиб, келармикан кезиб-кезиб.

Ўтар кунлар, унсиз тунлар, аммо баъзан ёмон йиллар ёки оғриб бағрим тиглар, юрагимдаги армонлар. Бошингизда бўлолмайман, ёнингизда туролмайман, мендан рози бўлинг она, ўз вақтида боролмайман.

Гулим қани, гулим деб-сиз, ён-атрофга бокиб

аста, менга айтмай дардингизни, ётибсиз неча кун хаста. Соғинч номли туйғуларим билмам балки сизга етди.

Бугун сизни кўргим келди, дилдан суҳбат қўргим келди, тушларимга кирмай-сиз деб, бир тўполон қилгим келди. Ўқийман-у, эслайман, соғинаман, йиғлайман, кўз ёшларимни артиб, сўнг ҳаялга толаман.

Қани менинг онам деб, неварамни қучаман, бор ғуборини унутиб, жаннатларда учаман, бунча ҳаёт гўзал деб жилмаяман, куламан. Онажоним сиз каби яхши буви бўламан...

Гулчехра ДУРДИЕВА

Партиялар фаолиятидан ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузасида белгиланган йўналишларни амалга ошириш юзасидан O'zLiDeP'нинг энг муҳим вазифаларини белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда партия фаоллари қайд этганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган халқаро конференция иштирокчилари мамлакатдаги фаровонлик, барқарорлик ва ривожланишнинг энг муҳим омиллари сифатида Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, озиқ-овқат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида тўпаланган улкан таъриба билан танишдилар.

Шу билан бирга Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурининг тизимли амалга оширилиши натижаларини бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Мустақиллик йилларида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан зиёдга ошди, аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробарга, сабзавотлар — 2 баробардан ортиқча, мева-лар — қарийб 4 баробарга ўсди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар қишлоқ ҳўжалигини нафақат тўлиқ диверсификациялаш, балки мамлакатимиз аҳолисини асосий озиқ-овқат экинлари билан таъминлаш, уларнинг катта ҳажмдаги экспортини йўлга қўйиш имконини берди. Қувонарлиси, бунда мамлакатимиз мустақиллигининг меваси бўлган ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиларига айланган фермерларимизнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Бугун уларнинг сони 73 мингтадан ошди, шундан 28 мингдан зиёди — кўп тармоқли фермер ҳўжаликларидир.

Бугунги кунда юртимизда аграр соҳада 100 дан зиёд қонунчилик ҳўжжатлари қабул қилинган, 200 дан ортиқ давлат ва ҳудудий дастурлар, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларини ривожлантириш стратегияси ички амалга оширилди, уларнинг асосий мақсади аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг селекционер олимлари томонидан 60 дан зиёд юқори ҳосилдор сабзавот навлари, 11 та полиз экинлари ва картошка навлари, 35 та мева ва узум навлари яратилди ва маҳаллилаштирилди. Бугун биз ички ва ташқи бозорларда рақобатбардос бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқармоқдамиз.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари O'zLiDeP'дан депутатлик корпусининг аграр соҳадаги қонунчиликни янада ривожлантириш ва ҳўйларда ҳўқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш борасидаги салоҳиятидан имкон қадар фойдаланишни талаб этмоқда. Жумладан, 2013-2014 йилларда O'zLiDeP' депутатлари 2012-2015 йилларда озиқ-овқат саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастурига ҳамда 2012-2015 йилларда қишлоқ ҳўжалиги ҳомашёсини қайта ишлашни қучуқлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳажмларини ошириш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастурига қиритилган қарийб 3 мингта лойиҳалар амалга оширилиши устидан назорат ўрнатди.

Президентимизнинг 2014 йил 15 майдаги «Қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналарини бошқариш ва молиявий соғломлаштириш янада тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори аграр комплексининг теҳнологик қисмини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Унга кўра «Ўзагропром-машхольдин» компанияси тузилди. У ўз таркибиде янгида ташкил этилаётган қишлоқ ҳўжалиги теҳникасини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Тошкент ва Чирчиқ заводларини ҳамда Агрегат заводини бирлаштирди, уларда маҳсус қишлоқ ҳўжалиги теҳникаси ҳамда унинг компонентлари ва эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилади. Де-мак, электротизимиз — фермерларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бунинг асосида мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражаси ва фаровонлигини таъминлаш борасидаги имкониятлари янада ошади.

Тадбир давомида иштирокчилар O'zLiDeP'нинг инвестициялар ва илғор теҳнологиялар, жумладан, теҳнотарих ва нисбатан кам ҳаражатлар билан ўзини қоплайдиган маҳсус музлатиш, нейтрал газ муҳитини сақлашни жалб қилиш соҳасида, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, унинг логистика ва ташши инфратузилмасини ривожлантиришга оид бошқа лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олишди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошлангич баҳоси босқичида босқич охири бориш тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бош амалиёт бошқармасининг 12.06.2014 йилдаги 33-24-4707-сонли буюртмасига асосан банкка тегишли, Тошкент шаҳри, Шохриваб кўчаси, 36-уй манзилда сақланган, «Хондай Соната» русумли, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/115SBA бўлган носо автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 39 959 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 15 июль кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тўхатилади). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 11 июль кунини соат 18:00.

Автотранспорт воситасининг 15 июлдаги савдоси бўлиб ўтмаганде, такрорий савдолар 2014 йил 23 июль кунини соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 23 июлдаги савдо учун 21 июль кунини соат 18:00да тўхатилади.

Савдо голлиб деб топилган шахсга 10 иш кунини ичиде сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳўжжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувага асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «РММ» ЁАЖнинг ОАИБ «Ипак йўли банк» Савбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-у.у. Тел: 228-79-52.

Мурожаат учун ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бош амалиёт бошқармаси телефон рақамлари: 150-76-89, 150-76-79. Гувоҳнома №006231.

ГОЛЛАНДИЯ — ЧЕМПИОНАТНИНГ БОШ КАШФИЁТИ



Мана, ниҳоят Бразилияда бўлиб ўтаётган футбол бўйича XX жаҳон чемпионатининг гуруҳ баҳслари бошланиб, турнир аста-секин қизғин паллага кирмоқда.

Албатта, ҳар бир турнирнинг бошланиши кўп хижатдан унинг қандай ўтишини белгилаб беради. Аксарият ҳолларда жаҳон чемпионатининг очилиш ўйинлари нурсиз, тўплар киритилмаган дурранг натижалар қайд этилгани ҳолда ўтган. Бу гал бундай бўлмади. Илк учрашувдаёқ тўртта тўп киритилди. Яъни майдон эгалари бразилияликлар чиройли ўйин кўрсатган Хорватия терма жамоасини 3:1 ҳисобида енгилди. Ушбу ўйинда чемпионатнинг дастлабки дубли қайд этилиб, Бразилия жамоасининг етакчи ўйинчиси Неймар иккита тўп киритди.

Мазкур А гуруҳидаги Мексика — Камерун учрашуви давомида тинимсиз ёмғир қуйиши натижага ҳам муайян таъсир кўрсатди. Ушбу ўйиндаги ягона гол мексикаликлар томонидан 65-дақиқада киритилди.

Чемпионатнинг энг қўтилмаган ва шов-шувли натижаси ўтган жаҳон биринчилиги финал учрашуви қатнашчилари — Испания ва Голландия терма жамоалари ўйинида қайд этилди. Ушбу ўйиндаги мағлубият ўчини олишга аҳд қилган голланд футболчиларини ҳатто кучли ёмғир ҳам тўхтатиб қолмади.

Гарчи ҳисоб испаниялик Хави Алонсо томонидан 27-дақиқада очилган бўлса-да, Р. Ван Перси 44-дақиқада боши билан жуда чиройли тўп киритиб, ўйинда тенгликни юзага келтирди — 1:1. Иккинчи бўлим тўлалигича голландлар ўстунлигида ўтиб, улар жаҳон чемпионлари дарвозасини 4 марта забт этишга муваффақ бўлдилар — ҳисоб 5:1. Ушбу ўйинда А.Роббен ва Р. Ван Персилар иккитадан тўп киритишди. Голландлар шундай чиройли ўйин ва юқори суръатли сақлаб қолсалар, албатта жаҳон тожини кўлга киритишлари мумкин.

Чили — Австралия ўйинида эса Жанубий Америка футболчиларининг 3:1 ҳисобида қўллари банд келди.

С гуруҳидаги Колумбия — Греция учрашуви ҳам қўтилмаган натижа билан тугади. Бунда греклар қўллаб ҳужум уюштириларишга қарамай 3:0 ҳисобида мағлубият аламини тотишди.

Д гуруҳининг биринчи учрашуви ҳам шов-шувли натижа билан якунланди. Ўтган чемпионатнинг учинчи ўрин соҳиби, жуда кучли таркибга эга Уруг-

вай футболчилари қўтилмаганда Коста-Рика терма жамоасидан 3:1 ҳисобида дорда қолишди.

Шу гуруҳдаги Англия — Италия учрашуви ҳам қўтилмаганда жуда кескин ўтди. Узоқ вақт 1:1 ҳисоби сақланиб турди. Бироқ ўйин охирида омад италияликларга қулиб боқиб, улар дастлабки галабани қўлга киритишди.

С гуруҳидаги Кот-д'Ивуар — Япония беллашуви ҳам кучи деярли тенг рақиблар баҳси эди. Ушбу ўйинда япониялик Хонда жуда чиройли гол киритиб, ҳисобни очган бўлса-да, иккинчи таймда 36 ёшли Дрогбанинг майдонга тушишидан руҳланган Кот-д'Ивуарлик футболчилар қаторасига иккита тўп киритиб, зафар қучишди.

Е гуруҳидаги дастлабки Швейцария — Эквадор учрашувини ҳамюртимиз ФИФА рефери Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси бошқарди. Бу гал ҳам чемпионатнинг айрим ўйинларидаги каби ҳисобни очган жамоа мағлубиятга учради. Яъни, эквадорликлар ҳисобда олдинга ўтиб олишган бўлса-да, бироқ Швейцария футболчиларининг ҳужумкор, комбинациявий ўйинлари ўз натижасини берди. Улар сўнгги сонияларда ҳисобда олдинга ўтиб, 2:1 ҳисобидаги муҳим галабани қўлга киритишди.

Чемпионат етакчиларидан бири сифатида қайд этилаётган француз футболчилари қўтилмаганда Гондурас терма жамоасини йирик 3:0 ҳисобида енгилган муваффақ бўлишди. Ушбу ўйинда Франция термаси етакчиси Карим Бензема ҳам иккита гол урди.

Кеча ўтказилган сўнгги учрашувда Аргентина термаси катта қийинчилик билан чемпионат дебютанти Босния ва Герцеговина командасини 2:1 ҳисобида мағлуб этди. Бунда Аргентина термасининг иккинчи тўпини Лионел Мессси киритди.

Чемпионатда бирорта ҳам дуранг натижа қайд этилмагани, ҳар бир ўйинда қўллаб тўплар киритилаётгани турнирнинг ниҳоятда қизиқарли ўтаётганидан далолатдир. Эътиборга лойиқ томони шундаки, кўпгина голларни ўйинчилар бошлари билан чиройли зарбалар орқали киритишмоқда. Чунки, Япония — Кот-д'Ивуар, Швейцария — Эквадор учрашувларида киритилган 6 та тўпдан тўрттасини ўйинчилар бошлари билан киритишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

«Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида матбуот хизматининг ташкил этилганига кўп вақт ўтгани йўқ. Шунга қарамай, ёшларнинг қизиқиши, уларнинг ютуқ-муаммоларини ёритиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

«Камолот» лойиҳалари

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

Бугун матбуот хизматлари Харақатнинг қуйи тизимларида ҳам тузилиб, фаолияти самарали йўлга қўйилди. Матбуот хизмати ходимлари учун ташкил этилган медиа-тренинглар фикримиз исботидир.

— Медиа-ўқувларни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад — республика, шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан Харақатнинг матбуот хизмати ходимлари ўртасидаги ҳамкорлиқни самарали йўлга қўйиш ва улар фаолиятини янада такомиллаштиришдан иборат, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Маъмур Баёнов.

— Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ёшларининг турли ахборот хуружларига қарши қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган катор медиа-лояҳалар амалга оширилди. «Камолот»да меҳмонда мавзундаги интернет тармоғидаги онлайн мулоқотлар, «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» кўрик-танлови, «МТ.уз» миллий интернет танловлари шулар жумласидандир. Юртимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган ёш журналистларга ёшлар ютуқ-муаммоларини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ноанъанавий усул ва механизмларини ўргатиш, бу борадаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиш, илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш, мамлакатимизда ёшларга оид миллий ахборот

сиёсатининг ягона концепциясини шакллантиришга қаратилган медиа-лояҳалар бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, бунда ёш журналистлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу ўқув ва амалий машғулотлар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Жумладан, «Ёш журналистлар» медиа-тренингда «Замонамиз қаҳрамони» мавзусида ўтказилган тадбирда ахборот технологиялари, кишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда муваффақиятга эришган иқтидор ва истеъдод эгалари билан учрашувлар ташкил этилди. Ёш иштирокчи, Тошкент Ахборот технологиялари университетининг 4-босқич талабаси Жамшид Саидовнинг «Алла, болажон!» номидаги кешфиёти бунга яққол мисолдир. Муайян масофадан гўдакни назорат қилувчи, у ҳақда ахборот етказувчи ва бешигини тебратиш имконини берувчи электрон қурилмани йўлаб топган бу талаба — «Камолот» ЁИХ фаоли!

Медиа-тренингда замонавий талаблар асосида ёшлар масаласини ёритиш бўйича билим ва тажрибаларини оширган барча иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Дилмурод РАҲИМОВ

Тадбирлар

МУЗЕЙЛАР — ТАРИХ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Алоқа тарихи музейида «Музейлар — бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси» деб номланган маърифий экскурсия ташкил этилди.

Маълумот ўрнида таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур музей ўзининг илк фаолиятини 2009 йил октябр ойида «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси» жамоат фонди негизини қўйган. Уч қаватли музей биносидан турли нодир тарихий ашёлар мавжуд бўлиб, ҳар йили бир неча янги экспонатлар билан бойитиб борилади. Шу боис музейга ташриф буюрувчилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Улар орасида соҳа ходимларидан ташқари, ўсмир-ёшлар ва хорижлик мутахассисларнинг фаол иштирок этишадигани, айниқса қувонарли. Музейга келувчиларнинг 75 фоизини болалар, ўқувчи ва талаба-ёшлар ташкил этиши эса фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари ҳам музейда сақланаётган турли экспонатлар билан яқиндан танишиб, алоқа тарихи бўйича қимматли ва баътафсил маълумотларга эга бўлишди. Ушбу музейнинг экскурсовод ходими Саида Гапурованинг таъкидлашича, юртимиздаги турли ташкилот ва муассаса вакиллари учун музейга ташрифи он-лайн буюртма бериш орқали амалга ошириш имконияти яратилган. Музейда экскурсиялар ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади. Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда ушбу музейда ёшлар учун интерактив хизматлар ва алоқа соҳасига оид қизиқарли интеллектуал ўйинлар ўтказиш йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланган виртуал тур ташкил этилган. Музей билан турли ташкилот ва муассасалар, жумладан, Тошкент Ахборот технологиялари университети ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари самара бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, музейга саёҳат давомида университетнинг талаба-ёшлари нафақат алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихини, балки мустақил йилларида тизимда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловларнинг мазмун-моҳияти билан танишиш баробарида билимларини янада бойитиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЧИРЧИҚ ОЛИЙ ТАНК ҚЎМОНДОН-МУХАНДИСЛИК БИЛИМ ЮРТИ

қўйидаги мутахассисликлар бўйича танлов асосида ишга тақлиф этади:

№	Тақлиф этилаётган лавозимлар	Зарур бўлган мутахассислар	Иш ўринлари
1	Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси доценти	Ўзбекистон тарихи; -Фалсафа; -Хўқуқшунослик.	1
2	Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси	Ўзбекистон Республикаси	1
3	Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси ўқитувчиси	Конституцияси; -Иқтисодиёт назарияси.	2

Ишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади, давлат тилини билишлари шарт.

Иш ҳақи (маош) мутахассислик, педагогик стаж, илмий даражаси ва унвони бўйича тоифасига боғлиқ тарзда ягона тариф сеткаси бўйича белгиланади. Танловда иштирок этувчиларнинг ёши 45 ёшдан ошмаган, тегишли мутахассислик бўйича илмий даража ёки илмий унвонларга эга бўлиши ҳамда компьютер саводхонлиги ва инглиз тилини билиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Аризалар жорий йилнинг 30 июнигача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, ҚОТҚМБЮ, кадрлар бўлими.

Телефонлар: 8-370-715-23-99, 8-370-716-31-44 (22-33, 23-33,24-33), 8-370-716-50-50.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги «Adolat — Odil» хусусий корхонаси ўз номини «Adolat — Odil» масъулияти чекланган жамияти қилиб ўзгартираётгани ҳақида маълум қилади. «Adolat — Odil» хусусий корхонасига нисбатан даъволар бир ой ичида қўриб чиқилади. Тел: 128-93-95.



ЎЗГИДРОМЕТ

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 16 июль кунга ҳаво ўзгариб туради, шунингдек, янги мавзу, янги тенденцияларни изловчи тафаккурли, ёш, маҳоратли рассомлар сони тобора ошиб бормоқда. Ҳар бир мусавир ўз маҳоратини шакллантириб, худди устоз рассомлар каби ўзига хослиқни сақлаб қолишга уринмоқда.

риш ҳамда қорақалпоқ рассомларининг рангтасвири, унинг халқ амалий санъатидан олинган ўзига хос қолорити ҳақида маълумот беришдан иборат, — дейди Серсинбай Байбўсимов. — Мен ушбу кўргазмада 15 дан ортиқ рассомлар билан иштирок этмоқдам.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг Қорақалпоғистон замонавий санъатида ҳам қўллаб ўзгаришлар юзга келди. Кечаги ёш рассомлар эл тан олган моҳир мусавирларга айланиб, уларнинг ижодлари ёш авлод учун ўзига хос намуна бўлиб, кўпчилик устозлар сафидан жой олишган. Бир қатор қорақалпоқ рассомлари Ўзбекистон Бадий академияси академиклари қаторидадир. Шунингдек, янги мавзу, янги тенденцияларни изловчи тафаккурли, ёш, маҳоратли рассомлар сони тобора ошиб бормоқда. Ҳар бир мусавир ўз маҳоратини шакллантириб, худди устоз рассомлар каби ўзига хослиқни сақлаб қолишга уринмоқда.

Қорақалпоқ рассомларининг ижодий кўргазмаси 10 июлга қадар давом этади.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА
Алексей Попов олган сурат

Кўргазмалар

МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР


Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «Мангуликдаги лаҳза» номи қорақалпоқ рассомларининг асарлари кўргазмаси очилди.

Унда турли жанрда, мавзу, услубларда ўзига хос тарзда ижод қилиб келаётган машҳур қорақалпоқ рассомлари С.Байбўсимов, Д.Тажимуратов, Ж.Лепесов, Ж.Изеентаев, У. Сапаров, Б.Серекеев каби рассом ва ҳайкалтарошларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

— Қорақалпоқ халқининг ўзига хос бой тасаввур олами ҳамиша уларнинг урф-одатлари, байрамлари, ўйин ва аскиялари, халқ оғзаки ижоди ҳамда ривоятларида намоён бўлиб келган, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси Гулбахор Изентаева. — Қорақалпоқ тасвирий санъати XX асрнинг 60-йиллар охирида ўз ривожланиш босқичини бошлаган бўлиб, бу жараёнда қўллаб-қувватлаш ҳамда тарғиб қилиш бўлиб, қорақалпоқ халқ санъати тасвирий санъат ривожланишига асос бўлди, десам адашмаган бўламан.

Кўргазмада рассомларнинг яратган асарларини бирма-бир кузатар экансиз, уларнинг ишлари кўнглингиздан жой олади. Шулардан бири Дарибод Тожимуратовнинг ёғочдан ясалган «Қария ва кучук», «Узум», «Хордиқ олаётган қиз» ҳайкалтарошлик ишлари ҳамда Женис Лепесовнинг «Пахтакорлар», «Жайхун гўзали», «Бахт», «Доирачилар» каби қўллаб картиналари томошабинлар эътиборидан четда қолмади.

— Ушбу кўргазмада қатнашишдан асосий мақсадим халқимизнинг миллий урф-одатларини, анъаналарини тасвирий санъат орқали пойтахт меҳмонларига таништи-



Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти юртимиздаги халқ таълими муассасалари, коллеж ҳамда лицейларга жисмоний тарбия ўқитувчилари, мураббийларни етказиб бераётган илим даргоҳи ҳисобланади.

ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШДИ

Яқинда мазкур даргоҳда талабалар, ўқитувчилар иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

Унда институтда тахсил олаётган талабалар устозларига ўзларининг жисмоний тарбия ва спорт мураббийси касбини эгаллаш мақсадида олган билим ҳамда кўникмаларини намойиш этишди.

Қизиқарли тест савол-жавоблари ҳамда дастурлар, сахна кўринишлари асосида ташкил этилган тадбир қатнашчи ёшларнинг ўз касбига меҳр билан ёндашаётганликларини яққол намоён қилди.

Яқинда голиб ва совриндор бўлган талабалар рағбатлантирилди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

«101»

ЁНГИНГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Олов — тилсиз ёв. Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳамиша ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Хўшёрлик ва эҳтиёткорлик ўт-олов хавфининг олди олинишга хизмат қилади. Чунки ўт-олов ёниб турган жойда лоқайдликка, беписандликка берилиб бўлмайди. Барча тармоқларда бўлганда, халқ таълими тизими шох-бобчаларида ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир. Зеро, халқ таълими муассасаларида ўт билан ўйнашга қизиқувчан кичкинтойлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг кўзига ўзгача туркидан оловнинг ўта хавфлиги, оғоҳон содир бўлган ёнғинларнинг оғир оқибатларини тушунириб, шу фалокатдан узоқроқ қоришни ўргатиш ниҳоятда зарур. Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг шахсий ибрати уларнинг ўз ўқувчилари хатти-ҳаракатларини назоратда сақлашлари, ўт билан ўйнаш ёмонлигини вақтида тушуниришлари жуда муҳим тадбирдир. Ўқувчиларга ёнғиндан сақланиш ва ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган бирламчи билим ва кўникмалар шу асосда сингдириб боришмоқда.

Халқ таълими муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашда Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари, ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлими мутахассислари-

нинг кўрсатмалари асосий дастур бўлмоқда. Шахсий уй-жойлар, халқ ҳўжалиги бинолари, ўқув масканлари ёнғиндан сақлаш талаблари бўйича текширувдан ўтказилмоқда, аниқланган камчиликлар тузатилаёпти.

Энг аввало, мактабларда, мактабга-ча таълим муассасаларининг бирламчи ўт ўчириш воситалари билан тўлиқ таъминланганлиги, биноларга ёнғин хавфсизлиги учун масъул ходим бириктирилганлиги, уларнинг фаолияти текширувдан ўтказилди. Синф хоналардаги электр нуқталари текширилиб, но-созлари вақтида тузатилди. Газда ишлайдиган иситиш мосламаларидан фойдаланиш учун кечаю кўнуду доимий на-вбатчилик ташкил этилди.

Бугун жаҳонга юз тутаётган мамлакатимиз бойликлари, табиат ва шу заминда яшаб меҳнат қилаётган барча фуқароларни ўт балосидан асраш нафақат шу соҳа ходимларининг, балки ҳаммамнинг бурчидир. Ёнғинларни ўчиришдан кўра, уларнинг олдини олиш осон, буни эсдан чиқармаслигимиз зарур.

Рашид НИЁЗОВ,
12-ХЕҲО 24-ХЕҲК кичик инспектори, сержант



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 656

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11961 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 14.00